

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 28-ҳадис

28- وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ وَأَنْسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ أَنَّ لَابْنَ آدَمَ وَادِيًا مِنْ دَهَبٍ أَحَبَّ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَادِيَانِ، وَلَنْ يَمْلَأَ فَاهُ إِلَّا التُّرَابَ، وَيَتُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6437، م 1049].

28. Ибн Аббос ва Анас ибн Молик розияллоху анҳумдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Агар одам боласининг бир водий тилласи бўлса, икки водий бўлишини хоҳлайди. Унинг оғзини фақатгина тупроқ тўлдиради. Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Имом Нававий бу ҳадиснинг шарҳида қуйидаги сўзларни айтдилар.

«Инсон дунёга қизиқиб, ҳарис бўлганидан ҳатто вафот топганида, қабрида қорни тупроққа тўлади. Бу ҳадис Одам боласини дунёга ҳарислиги ғолиб деган ҳукми чиқаради».

«**Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади**», деган сўз юқорига боғлиқ бўлиб, унинг маъноси: «Аллоҳ мазаммат қилинган очкўзликдан содир бўлган хато ва ундан бошқа мазамматли нарсаларни содир этиб амалга оширилган хато учун тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этишига далолат қилади.

Одам боласини зикр қилиниши, инсон тупроқдан яратилганидир. Инсон табиати шундай зикналик ва очкўзликка мойилдир. Аллоҳ таоло тавфиқига олганлар бу каби хислатлардан йироқ бўлиб, пок нафсга эришади. Ким Аллоҳнинг тавфиқига ноил бўлмаса, очкўзлигини тарбияламасдан шундай тек қўйса, унинг очкўзлиги мол тўплаш йўлида ҳалок қилади.

Баъзилар: « **Унинг оғзини фақатгина тупроқ тўлдиради**», дегани киноя бўлиб ундан мақсад ўлимдир, деб айтишган. Яъни, инсон то вафот топгунича дунёга тўймайди, ирода қилинган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI